

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI

IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI



IMOM BUXORIY SABOQLARI



2/2024

№2
2024

IMOM BUXORIY SABOQLARI

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal



Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazida
joyiy yil 29-30-may kunlari O'zRFA Sharqshunoslik instituti,
Samarqand Davlat universiteti va Avstriya Fanlar akademiyasi
huzuridagi Eronshunoslik instituti hamkorligida

"MO'G'ULLAR VA TEMURIYLAR DAVRIGA OID O'RTA OSIYO QO'LYOZMALARI (XIII-XV ASRLAR)"

mavzusida xalqaro konferensiya bo'lib o'tdi.

Batafsil **BUKHARI.UZ** saytida

TAHRIR HAY'ATI

- Akmal SAIDOV – yuridik fanlari doktori, akademik
- Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR – O'zbekiston musulmonlari idorasi raisi, muftiy
- Shoazim MINAVAROV – Islom sivilizatsiyasi markazi direktori
- Davronbek MAXSUDOV – tarix fanlari doktori, professor
- Ahadjon HASANOV – tarix fanlari doktori, professor
- Bahrom ABDUHALIMOV – tarix fanlari doktori, professor
- Baxtiyor TURAYEV – falsafa fanlari doktori, professor
- Baxtiyor KARIMOV – falsafa fanlari doktori, professor
- Ilhom SAIDOV – tarix fanlari doktori, professor
- Zohidjon ISLOMOV – filologiya fanlari doktori, professor
- Zohidullo MINAVVAROV – siyosiy fanlar doktori, professor
- Jamoliddin KARIMOV – tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori
- Nodirjon ABDULAHATOV – tarix fanlari doktori
- O'ktambek SULTONOV – tarix fanlari doktori
- Baxtiyor ERGASHEV – tarix fanlari doktori
- Amriddin BERDIMURODOV – tarix fanlari nomzodi
- Sarvar ABDULLAYEV – falsafa fanlari nomzodi, dotsent
- Otabek MUHAMMADIYEV – tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori, katta ilmiy xodim

- Ashirbek MO'MINOV – tarix fanlari doktori, professor (L.N. Gumilev nomidagi Yevroosiyo milliy universiteti)
- Devin DeWeese – Indiana universiteti professori, yozuvchi (AQSH)
- So'nmez KUTLU – Anqara universiteti professori, ilohiyotchi (Turkiya)
- Ingeborg BALDAUF – Humboldt nomidagi Berlin universiteti professori (Germaniya)

IBXITM Ilmiy kengashining 2024-yil 3-maydagi 5-sonli
yig'ilish qarori bilan nashrga tavsiya qilindi.



MUASSIS:

O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
**IMOM BUXORIY XALQARO
ILMIY-TADQIQOT MARKAZI**

Bosh muharrir:
Shovosil ZIYODOV

Muharrir o'rinbosarlari:
**Otabek MUHAMMADIYEV,
Sanjarbek DJUMANOV**

Musahhihlar:
**Anvar BOBOYEV,
Asliddin MUSTAFOYEV**

Sahifalovchi-dizayner:
Muhammadiqbol SHUKUROV

Zafar UZOQOV, Azim ZOYIROV
olgan suratlardan foydalanildi.

*Jurnal O'zbekiston
Respublikasi Vazirlar
Mahkamasi huzuridagi
Oliy attestatsiya
komissiyasining ilmiy
jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.*

*Maqolada keltirilgan
ma'lumotlar uchun
muallif mas'ul.*

MUNDARIJA (2024/2)

Шовосил ЗИЁДОВ, Мавлуда КАРИМОВА. Марказий Осиёда илк тошбосма китобларнинг нашр бўлиш тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари).....3

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Отабек МУҲАММАДИЕВ. Сўғдлик муҳаддислар тарихи.....6

Акбар АСРОРОВ. XIX аср бошлари самарқанд мумтоз адабиёти вакили – Қози Асрорхон Муфтақир адабий мероси.....11

Маҳмуд НАСРУЛЛАЕВ. Ўзбекистон ҳудудларида давлатчиликнинг шаклланиш жараёни бўйича мулоҳазалар.....13

Latofat XOLNAZAROVA. Buxoro hukumatida nashr ishlarining yoʻlga qoʻyilishi.....16

Шерзод РАВШАНОВ. Россия империясининг Туркистондаги диний сиёсати (Сирдарё вилояти шаҳарлари мисолида).....17

Гулмира ОЧИЛОВА. Самарқанд матбуотида жаҳидларининг ислом дини ва урф-одатлар ўртасидаги тафовут масаласидаги қарашлари.....19

Олимжон ИРИСКУЛОВ. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд “Эски шаҳар”и ҳудуди ва ижтимоий ҳаёти тарихидан.....20

Шавкат БОБОЖОНОВ. Ўзбеклар маросимий маданиятида Дарвешона.....23

Ubaydulla QUVVATALIYEV. Buxoroda qiymatli asarlar.....26

Toxir MAXMUDOV. Taʼlim tizimining ikkinchi Renessans taraqqiyotidagi oʻrni.....28

Шерали АЛЛАБЕРГАНОВ. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Хоразм вилоятида саноат корхоналари фаолияти.....31

Serobjon XAMRAQULOV. Qoʻqon shahrida milliy davriy matbuotning shakllanishi va rivojlanishi.....33

Санжарбек ДЖУМАНОВ. Ўзбекистонда тиббиёт фанининг ривожланиши тарихи (1991-2000 йй).....35

Зиёдилла ЗИНАТУЛЛАЕВ. Сомонийлар давлати бошқарув тизими.....37

Jonibek JUMAYEV. Oʻzbekistonda diniy bagʻrikenglik boʻyicha amalga oshirilgan ishlar va ularning natijalari (2016-2023 yy).....42

Sunatillo ABDIVOHIDOV. Jadidlar taʼlimotida mavjud muamolarni yoritishda milliy matbuotning oʻrni.....44

Икромжон АЗИЗОВ. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошида Бухоро амирлигида анъанавий хунармандчилик.....46

Norpulat AXMEDJONOV. Madaniy meros obyektlarini muzeylashtirishning ahamiyati.....50

Azamat BERDIYEV. Nurota togʻ tizmasining shimoliy yon bagʻri tojik aholisining dafn va xotira marosimlari.....52

Rustambek NARZIYEV. “Nurli maskan” – zaif koʻruvchi bolalar maktab internati tarixiga doir.....54

Zafar SHAMSIDDINOV. Moʻgʻullarga qaramlik davrida Turon meʼmorchiligi.....55

Behruz BOBOJONOV. Qadimiy va navqiron Kesh – Shahrisabzning savdo-iqtisodiy bozorlari topografik munosabatlarining xronologik tahlili.....58

Amirbek TAGʻBAYEV. B.X.Karmisheva tadqiqotlarida Oʻzbekiston aholisi dehqonchiligi masalasi.....60

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Islom HAMDAMOV. Mirzo Ulugʻbekning “Toʻrt ulus tarixi” asari tarixiy-falsafiy meros sifatida.....63

Бурхон АХМЕДОВ. Абу Бақр Жассос илмий меросининг ҳанафий мазҳаби ривожига тутган ўрни.....64

Oʻtkir MATTIYEV. XIX asr ikkinchi yarmi – XX asr boshlarida Kaspiyorti viloyatidagi Afgʻon muhojirlari tarixi.....67

Абдувоси ШОНАЗАРОВ. “Сахиҳул Бухорий” ровийси Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маъқил Насафий ҳаёти ва илмий фаолияти.....69

Баҳодир МУСАМЕТОВ. Сомонийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда диний вазият.....71

Xolmurod RAXIMOV. Sahl ibn Abdulloh Tuʼstariy – buyuk mutasavvif olim.....75

Толибжон НИЗОМОВ. Буюк факих, беназир олим ва машхур муфассир.....78

Хулкар УСМАНОВА. Масъуд Самарқандий “Салоти Масъудий” асарининг таркибий таҳлили.....79

Мардон ХАСАНОВ. Хоразмнинг илк ровийлари.....82

أحمد سعد إبراهيم عبد الرحمن عثمان (الدمهوري). كتاب التوحيد للماتريدي هل يمكن الاعتماد على نسخة خطية واحدة؟.....84

НОДИР МАНБАЛАР

Дониёр МУРАТОВ. Абдуллоҳ Субазмуний
“Муснад”ининг илмий тадқиқи масаласи.....88

Равшан ЭЛИМУРДОВ. Абул Баракот Насафийнинг
“Ал-Эътимод фил эътикод” асари тавсифи.....90

Sunnatulla ABDULLAYEV. “Sahihul Buxoriy” asarining
islomshunoslik yo‘nalishida o‘rganilishi.....92

Абдурасул АБДУЛЛАЕВ. Фахриддин Розий қаламига
мансуб “Мафотиҳул ғайб” асарининг бугунги кундаги
аҳамияти.....94

Руфат АХМЕДОВ. Абу Бакр Муҳаммад Закариё Розий
таълимотида нафс ва уни тарбиялаш йўллари.....96

Maxzuna SOBIROVA. Abdurahmon ibn Xaldun
asarlariga tarixchi olimlar munosabati.....99

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Farhod KARIMOV. Saudiya Arabistonining diniy va
mafkuraviy siyosati, hozirgi tendensiya va istiqbollar...101

Shaxnoza KIMSANBAYEVA. Jamiyatning ma'naviy
yangilanishida an'anaviylik va zamonaviylik uyg'unligi....106

Обид ХУРСАНДОВ. Аллоҳ таолонинг таквин сифати
ҳодисми?.....108

Habibullo SADIBAQOSEV. AQSH tashqi siyosatida
musulmon mamlakatlar bilan xavfsizlik sohasidagi
hamkorlik masalalari.....110

Umid RAHMATULLAYEV. Islomda xalqaro aloqalar,
elchilik munosabatlari asoslari.....112

Fotima NAZAROVA. Erondagi ijtimoiy-siyosiy jara-
yonlarda kurdarning o‘rni.....114

Дилноза ТОҒАЕВА. Маданиятлар туқнашуви:
геосиёсий ихтилофларнинг марказидир.....117

ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ

Махмудали ДЕҲҚОНОВ. Оилавий муносабатлар
маданиятининг ривожланиш тарихи.....120

Sanjar HAMROYEV. Davlat suverenitetini mustah-
kamlashning ijtimoiy-siyosiy omillari.....121

Рустам МАМАТҚУЛОВ. Миллий ўзликни ан-
лашнинг миллий манфаатларни таъминлашдаги вази-
фалари.....123

Dilafro‘z AXMEDOVA. An'anaviy jamiyatda bilimning
tizimni shakllantiruvchi roli.....125

Oysulton DOVRANOVA. Oilaning ijtimoiy funksiyasi
inqirozi natijasida avlodlararo munosabatlarning
buzilishi.....127

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Соҳибназар КАРИМОВ. Тасаввуф таълимотида тил
ва дил бирлиги зикр воситаси сифатида.....130

Аслиддин ҲАЙДАРОВ. Истеъмолчилик хатти-
ҳаракатларининг тарихий, замонавий ва фалсафий
жиҳатлари.....132

Abbos DO‘LANOV. Mustaqil fikrlash va yangicha
ruhiyat dialektikasi.....134

Бахтиёр ТУРСУНОВ. Тавба турмуш тарзи ва
ахлоқни тартибга солиш омили сифатида.....136

Каромиддин ЖАМАҲМАТОВ. Саййид Абдуллоҳ
Мушкин Қалам Васфий Термизий ҳаёти ва адабий
меросининг герменевтик тадқиқи.....138

Pulotjon QAXOROV. Islomda erkak va ayol tengligi
g‘oyasining gnoseologik talqini.....141

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Гулшада ЎРАЗАЛИЕВА. Этноанъаналар ва этно-
кадриятлар – оилавий тарбиянинг муҳим омили.....144

Шалола МУҲИДДИНОВА. Ўзбекларда бола туғи-
лишида чилла даври билан боғлиқ урф-одатлар.....146

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Хусниддин АХМЕДОВ. Маънавий ҳаёт ва сиёсий
фаолият.....148

БИР ҲАДИС ШАРҲИ

Muhim bir qoida.....150



СОМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

ЗИЁДИЛЛА ЗИНАТУЛЛАЕВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
катта ўқитувчиси, PhD

Аннотация: Мақолада Сомонийлар давлатининг ташкил топиши, давлат бошқарув тизимининг шаклланиши ҳамда маъмурий лавозимларнинг жорий этилиши бирламчи манбалар ва илмий адабиётлар асосида ёритилган.
Таянч сўзлар: Мовароуннахр, Хуросон сомонийлар, саффорийлар, зайдийлар, амир, мамлук, турк, девон, даргоҳ, вазир, қози, вақф, хирож, жиёза.

Annotation: The article covers the formation of the Samanid state, the formation of the state system of government and the introduction of administrative positions on the basis of primary sources and scientific literature. **Keywords:** Movarounnahr, Khurasan, samanids, saffarids, zeidites, emir, mamluk, turk, divan, dargah, vezir, kazi, waqf, kharaj, jizya.

Аннотация: В статье на основе первоисточников и научной литературы описано становление и формирование системы государственного управления а также введение административных должностей Соманидского государства.

Ключевые слова: Мавараннахр, Хурасан, саманиды, саффари́ды, зейдиты, эмир, мамлюк, турк, дивон, дарга́х, везир, кази, вақф, хирадж, джизья.

Кириш. Исломнинг Марказий Осиёга ёйилиши минтака тарихида туб бурилиш ясади. Унинг натижаларидан бири ўзбек давлатчилигининг кейинги даврлардаги ривожланишига катта таъсир кўрсатган шарият аҳкомларига асосланган араб халифалиги бошқарув тизимининг минтакага кириб келишида ўзини кўрсатди. VIII-XII асрлар давомида ислом аҳкомларини ўзига сингдириб борган Марказий Осиёдаги бошқарув тизими миллий давлатчилик тарихининг муҳим сегментларидан бирига айланди. Ислом Марказий Осиёдаги бошқарув тизимининг янги шаклларда ривожланишини бошлаб берди. Бунинг натижасида вужудга келган миллий бошқарув тизими тамойиллари XX асргача ўз кучини сақлаб қолди.

IX асрнинг иккинчи ярми ислом тарихида “заиф халифалар асри”нинг бошланиши деб юритилади. Бу даврга келиб Аббосийлар халифалигида ички зиддиятларнинг кучайиши, кўзғолонларнинг кўпайиши, араблардан бўлган ҳокимларга нисбатан халифалар ишончсизлигининг ортиши, бунинг оқибатида ҳудудларга келиб чиқиши форс ва туркийлардан бўлган қўмондон ва волийларнинг тайинланиши марказий ҳокимиятнинг заифлашуви, шунингдек, ҳам ғарбий, ҳам шарқий ҳудудлар назоратининг қўлдан кетишига сабаб бўлди.

Дастлаб Хуросонда Тоҳир ибн Хусайн (776-822 йй.) бошчилигидаги тоҳирийлар, улардан сўнг саффорийлар ўз мустақиллигини эълон қилгач, Мовароуннахрда халифаларга садоқат билан хизмат қилиб келган Сомонийлар ҳам вазиятдан фойдаланган ҳолда, амалда мустақил бошқарувни ўрнатишга муваффақ бўлди.

Сомонийлар Хуросон амирлари Тоҳирийлардан мустақил бўлишга интиланлар, аммо ҳеч қачон Аббосийларга қарши чиқмаганлар ва Бағдоддан мустақил бўлишга интилмаганлар[9:196]. Бинобарин, халифа Мамун Марвдан Бағдодга кетишдан олдин унга садоқат билдирган Сомон авлодлари Нух ибн Асад (ваф. 842 й.) ва унинг укаларини ҳоким этиб тайинлашга буйруқ беради. 204/819-20 йилда Хуросон амири Гассон ибн Аббод халифанинг кўрсатмасига биноан Нух ибн Асадни Самарқандга, Аҳмадни – Фарғонага, Яҳёни – Шош ва Уструшанага, Илёсنى эса - Ҳиротга ҳоким этиб тайинлайди. Ака-укалар расман бир-биридан мустақил ҳукмдор бўлган, лекин амалда улар Нух ибн Асадга бўйсунганлар[4:253]. У Сомонхудодиннинг тўрт набирасининг тўнғичи бўлиб, Сомонийлар сулоласининг асосчиси ҳисобланади[3:48].

Нух ибн Асад бошқа диндаги туркларга қарши жиҳод урушлари олиб борган. 225/ 839-40 йилда у Исфижоб шаҳрини эгаллаб, ундаги тоқзорлар ва экинзорларни ўз ичига олган муҳофаа деворини қурдиради[4:253]. Нух ибн Асад ҳукмронлиги даврида Самарқанд, Шош ва Фарғона шаҳарларида зарб этилган тангалардаги ёзувларда халифа исмидан кейин унинг

исми келтирилган. Бу эса унинг Хуросон ҳукмдорлари Тоҳирийлардан мустақил бўлганлиги ва фақатгина халифага бўйсунганини англатади[4:254].

Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарига кўра, Нух ибн Асад (819-864 йй.) вафотигача Самарқандда яшайди ва биродари Аҳмад ибн Асадни ўзига ўринбосар этиб тайинлайди. Аҳмад ибн Асад олим ва порсо киши бўлиб, ўта халқпарвар ва виждонли бўлган[2:147]. Ибн ал-Асир у ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради: “Аҳмад ҳақида унинг ўғли Наср шундай дейди: у (Аҳмад ибн Асад) 30 йиллик ҳукмронлиги даврида ўзи ҳам атрофидаги яқин аъёнлари ҳам пора олмаган. У вафот этганида унинг қўл остидаги хизматчилари ҳатто оч қолиб кетган” [8:66]. Сомоний ҳукмдорлар орасида ҳам араб халифалари Умар ибн Хаттоб ва Умар ибн Абдулазиз каби зоҳид ва халқпарвар амирлар ҳамда давлат хизматчилари бўлганлигини юқорида номлари келтирилган муаррихларнинг келтирган маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

Сомонийлар ҳукмронлиги бошланганда (IX аср бошлари) Мовароуннахр алоҳида маъмурий бирлик эди, X асрдан бошлаб Хуросон ҳам унга қараши бўлган[4:142]. Сомонийлар ўзларининг ҳукмронлиги остига иккита йирик минтақани – Бухоро, Самарқанд, Уструшана, Фарғона, Шош, Исфижоб, Хоразм, Кеш, Насаф, Чағониён, Хутталонни ўз ичига олувчи Мовароуннахр ва Бадахшон, Балх, Тохаристон, Гуржистон, Марв, Ҳирот, Ғур, Нишопур ва Гурганини ўз ичига олган Хуросонни бирлаштирдилар. Шунинг учун адабиётларда уларнинг мулки баъзан “Сомонийлар империяси” деб номланади[11:127].

Мовароуннахр тўрт вилоятдан иборат бўлган. Суғд вилоятининг иккита пойтахти бўлиб, булар Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари эди. Шунингдек, Хоразм, Фарғона, Чағониён ва Шош вилоятлари ҳам мазкур ҳудудга кирган. Сомонийлар давлатининг ғарбий қисми, яъни Хуросон ҳудуди эса, тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчисининг пойтахти Найсабур (Нишопур), иккинчисиники – Марв, учинчиси – Ҳирот, тўртинчиси Балх шаҳарлари эди[12:188].

Манбалар кўрсатадики, ўрта асрларда Марв шаҳрининг нуфузи жуда юқори бўлган. Аббосий халифалар ҳокимияти ҳам Марвда бошланган ва уларнинг қора рангли байроқлари илк бор шу ерда қўтарилган. Бу ерда ўн йил давомида халифа Маъмун (халифалик йиллари 813-833) ҳукм сурган. Шунинг учун одамлар уни Шоҳижон, яъни Шоҳ Жаҳоний – “Подшоҳлар қароргоҳи” деб атаганлар[4:59]. Марв – халифаликнинг шарқий қисмига ҳокимлик қилувчи ноибга (у Куфада турар эди) бевосита бўйсунувчи Хуросон ноибининг қароргоҳи эди[Ўзбекистон ССР тарихи. II том, 1970:191]. Шунга қарамай, Сомонийлар давлати пойтахти этиб Мовароуннахрнинг энг тараққий этган шаҳарларидан

бири бўлган Бухоро шахри танланган.

261 – 379/875 – 892 йилларда Сомонийлар давлатининг пойтахти Самарқанд, 279 – 395/892 – 1005 йилларда эса Бухоро бўлган. Сомонийлар конуний жиҳатдан Хуросон амирлари бўлиб, Мовароуннаҳр ва Хуросон ерлари уларга қарашли бўлган. Шунинг учун уларнинг қароргоҳи Бухоро Х асрда Мовароуннаҳр ва Хуросон пойтахти ҳисобланган. У Мовароуннаҳрдаги Хуросонга энг яқин шаҳар бўлган. Тоҳирийлар Нишопурдан туриб Хуросонни идора этган бўлсалар, Исмоил ибн Аҳмад Бухорони ўзига қароргоҳ этиб танлаган ва давлатнинг пойтахтига айлантирган. Бунинг асосий сабаби – унинг исломдан олдинги аждодлари (Эл Арслон ва Эл Тегин) Бухорода яшаганлар ва шу ерда дафн этилганлар[9:121-196]. Унинг авлодлари даврида ҳам пойтахт Бухоро бўлиб қолаверган. Унгача Мовароуннаҳр ҳукмдорлари Самарқандда, баъзан Шошда, баъзида эса Фарғонада яшаганлар[2:159].

Сомонийлар сулоласи Мовароуннаҳрдаги биринчи ноараб мусулмон ҳукмдорлар бўлиб, юз йилдан ортиқ ҳукмронлик қилган. Бу даврдаги бошқарув тизими моҳиятини ҳокимиятнинг отадан болага мерос бўлиб ўтиши тамойили ташкил қилган. Сомонийларнинг Мовароуннаҳрда исломнинг ёйилишида кўрсатган хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунинг натижасида мазкур сулола Марказий Осиёда ислом дини кўрсатмалари асосидаги бошқарув тизимининг қарор топишида алоҳида рол ўйнади. Унинг тажрибаси кейинги сулолалар бошқаруви учун намуна – эталон вазифасини ўтади.

Марказий Осиёда IX–XII асрларда ҳукм сурган Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар давлатлари бошқарув тизимини сомонийлардан ўзлаштирган ҳолда ўзларининг маҳаллий анъаналарига содиқ қолган ҳолда бошқарувга маълум даражада янгиликлар олиб киришган. Бунинг ёрқин далили сифатида пардадор, доводдор, таштдор, жашнигир, қутвол, салор, сарҳанг, сипоҳсалор, бирук, ағичи, қушчи, човуш, хайлбоши каби расмий лавозимлар жорий этилганлигида номён бўлади. Бундан келиб чиқадик, Марказий Осиёда вужудга келган мустақил мусулмон сулолалари бошқарув тизимини араб халифалигидан ўзлаштирган бўлсаларда, у миллий анъаналар асосида ривожланган.

Сомонийлар аббосийлар каби суннийлик мазҳабини маҳкам тутганлар ва унга хизмат қилганлар. Хутбани аббосийлар номига ўқитиб, пулларини ҳам уларнинг номи билан зарб қилдирганлар. Ўз навбатида, аббосийлар ҳам сомонийларни қадрлаб, ўзларига яқин тутганлар. Сомонийлар аббосийларга Саффорийлар¹ ва Зайдийлар² каби уларга қарши чиққан давлатларни маҳв этишга ёрдам берганлар. Айниқса, Исмоил Сомонийнинг Хуросонни эгаллаши ва ўз давлатига қўшиб олиши, шиа оқимидаги Саффорийлар давлатининг тугатилишида муҳим рол ўйнади[12:187].

Хуросон бошқаруви саффорийлар қўлидан кетгач, Сомонийлар халифаликнинг “Девон ал-Машрик” деб аталувчи шарқий вилоятларидан бири бўлган Хуросоннинг волийлари сифатида амир унвонига эга бўлганлар. Бундан ташқари, бошқа вилоятларнинг волийлари сингари, “мауло амир ал-мўминин”, яъни “мўминлар амирининг мавлоси” деб аталганлар[9:119]. Сомонийлар шаръан Аббосий халифаларнинг Хуросондаги амирлари ёки волийлари, яъни бошқарувчилари ҳисобланган[4:123].

Наршахийга кўра, Сомонийларнинг Мансур ибн Нухгача (ҳукмронлик йиллари 961-976) бўлган ҳукмдорлари амир, Мансур ибн Нух ва ундан кейингилари малик деб аталган[2:163]. Исмоил ибн Аҳмад (849-907 йй.) ўзини “Мовароуннаҳр ҳукмдори” деб атаган. Наршахий Сомоний ҳукм-

дорларга таъриф берганда, уларнинг ҳокимиятини “иморат” (амирлик) деб атаган ва фақатгина Абдулмалик ибн Нух ҳукмронлигидан бошлаб (343-350/954-961) “мулк” деган атама ишлатила бошланган. Бошқа манбаларга кўра, Абдулмалик ибн Нух тангасида у “ал-Амир ал-Муаййид” ёки “ал-Малик ал-Муаййид” деб номланган. “Ал-Муаййид” сўзи араб тилидан таржима қилинганда, “қўллаб-қувватловчи, раҳмли” деган маъноларни англатади[11:156].

Аббосийларга садоқат билан хизмат қилган амалдорлар ва ҳукмдорларни тақдирлаш мақсадида халифалар уларга “сулола дўсти”, “сулола таянчи” каби унвонлар беришган. “Адуд ад-давла”, “Тож ал-милла”, “Баҳо ад-давла” ва бошқалар шулар жумласидандир. “Адуд ад-давла” деб аталган обрўли унвон Х аср иккинчи ярмидан бошлаб халифаликнинг шимолда Сомонийлардан тортиб, шарқда Фотимийлар давлатигача бўлган барча ерларида урфга кирган эди[11:161].

Сарой одоби (этикети) бўйича халифага мурожаат қилишда унга бўйсунувчиларнинг барчаси унга “мавлоно” – “бизнинг хўжайин” ёки “амир ал-мўминин” – “мўминларнинг амира” деб мурожаат қилиши шарт эди. Сомоний ҳукмдорлар араб халифалигининг бир қисми бўлган Хуросон ноиблари сифатида “амир” унвонини олишган. Бошқа сулола вакилларида фарқли ўлароқ, улар ўзларининг қунылари билан хотирланган. Масалан, Исмоил ибн Аҳмад “амир ал-адл” (адолатли амир) қуныси билан, Наср ибн Аҳмад “ал-амир ас-саъид” (бахтли амир), Нух ибн Наср “ал-амир ал-хамид” (атоқли амир), Абдул Малик ан-Нух “ал-амир ал-муайяд” (содиқ амир), Мансур ибн Нух эса “ал-амир ас-саъид” (муваффақиятли амир), Нух ибн Мансур “ал-амир ар-ризо” (ризоликка (яхшиликка) мойил амир) ва “ал-амир ар-рашид” (зукко амир) қунылари билан аталган[11:156]. Исмоил Сомоний вафотидан сўнг “амири мозий” яъни “дунёдан ўтган амир” деб аталган[2:159].

Сомонийлар бошқарув тизимида мамлакатнинг асосий таянчи – бу кучли, марказлашган қўшин эди. Бу қўшиннинг асосини жасорати, мардлиги ва қўрқмаслиги билан манбаларда тилга олинган туркий халқлар ташкил этган. Халифа ал-Муътасим (794-842 йй.) ҳукмронлигидан бошлаб (833 йй.) турк ғуломлари ҳатто халифа шахсий гвардиясининг таянчига айлана бошлаган[1:20].

Сомонийлар даврида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият, давлатнинг ҳарбий қудрати, қўшини ва унинг аскарлари ҳақида Ибн Ҳавқал ўзининг “Китоб сурат ал-ард” асарида қуйидаги маълумотларни келтиради: “Уларнинг куч-қудратига келсак, ислом мамлакатлари ичида жиҳод урушларини олиб боришда улардан ўтадиган ўлка йўқдир. Чунки Мовароуннаҳрнинг барча чегаралари кофирлар мамлакатига яқин жойлашган. Уларнинг қўшинлари барча халқлар ичида қатъияти, шижоати, журъати ва матонати билан бошқа халқлардан устун туради. Мовароуннаҳрлик дехқонлар ўзларининг хизматдаги хушфезллиги, чиройли кийиниши, шоҳона кўриниши ва итоаткорлиги билан халифаларнинг лашкар-бошилари, яқинлари ва содиқ хизматкорлари бўдилар, ҳатто, халифаларнинг энг хос одамлари ва аскарларига айландилар. Улардан қўшинларга фарғоналиклар ва турклар бошчилик қилиб, халифаларнинг энг ишончли кўрикчилари бўдилар. Улар орасида ўзининг шижоати ва жасорати билан устунлик қилган турклар уструшаналик Афшин³ ва Ибн Абу-с-Сож, са-

³ Ал-Афшин – Уструшонанинг сўнгги ҳукмдорининг ўғли Ҳайдар ибн Ковус (216/831-832) Аббосий халифаларнинг лашкарбошиси бўлган. Уструшонанинг исломдан аввалги ҳукмдорларининг унвони афшин бўлган. 216/831-832 йилда ал-Афшин арабларга қарши Миср ва ал-Мағрибда қўтарилган кўзғалонни, 224/838-839 йилда Бобак бошчилигидаги кўзғалонни бостирган. 225/839-840 йилда исломдан юз ўтирганликда айбланиб, халифа ал-Муътасимнинг Бағдоддаги саройида унинг устидан ҳукм чиқарилган ва зиндонда вафот этган. Ибн Ҳавқал. Мовароуннаҳр/Ибн Ҳавқал; араб тилидан тарж., изохлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, – 2011. 115-б.

¹ Саффорийлар – Эроннинг шарқий ҳудудларида 861-900 йиллар орасида Тоҳирийлардан мустақил ҳолда ҳукмронлик қилган давлат. Сейстонлик дехқон Яқуб ибн Лайсас-Саффор асос солган.

² Зайдийлар – 864 йилда Эроннинг шимолида ўз давлатларини тузишган. Зайд ибн Али ибн Ҳусайн: бир гуруҳ шиалар Зайдни имом деб эътироф этганлари учун *зайди*лар номини олишган.

марқандлик Ихшод ва суғдлик Марзубон ибн Туркаш, суғдлик Ужайф ибн Анбаса, Бухорхудо ва бошқалар халифаларнинг амирлари, қўмондонлари ва аскарлари эдилар» [9:20-21].

Туркий халқлар қўшини бошқа қўчманчи давлатлар қўшини каби уруғ тизими бўйича эмас, балки ҳарбий-маъмурий бирликларга (минглик, юзлик, ўнлик) бўлинган. Туркийлар катта юришларда иштирок этиб, кўпинча, ўз юртидан олисда бўлишган. Шунинг учун туркларнинг алоҳида уруғлари Қримдан Олтойгача ва Сибирдан Эронгача бўлган ҳудудларга бўлиниб кетган. Бу эса қадимдан ушбу ҳудудларда яшаб келган туркийзабон қабилаларнинг қариндош эканлигини англатади. Шунинг учун исломнинг илк асрида Марказий Осиёнинг туркийзабон аҳолиси барча туркларни қардош халқлар деб билиб, араб ва форсларни эса бегоналар деб ҳисоблашган [11:138].

IX-X аср бошларида Сомонийлар Аббосийларнинг ислом динини Марказий Осиёнинг маҳаллий аҳолисига синдириш сиёсатини амалга ошириб, Сирдарёнинг юқори оқими, Шарқий Туркистон ҳудудларида яшовчи ғайридин туркларга қарши ғазовот урушларини фаол олиб борганлар [4:73].

Халифалардан биринчи бўлиб Аббосий халифа Мансур (хукмронлик йиллари 754-774) Марказий Осиёлик бир неча аслзодаларни Бағдодга тақлиф қилган ва юқори ҳарбий лавозимларга тайинлаган. Улар орасида Афшин ислом қўшинларига бошчилик қилиб, Озарбайжондаги маздакий Бобак бошчилигида арабларга қарши хуррабийлар кўзғолонини бостиришга муваффақ бўлган [9:229].

Турк ҳоконлигида бўлгани каби, Сомонийлар давлатида ҳам қўшин таркибида чокларнинг салмоғи юқори эди. Чокларлар хожасига садоқатли бўлиб, улар учун жонларини беришга тайёр бўлганлар. Қутайба ибн Муслимнинг туркий ва суғдий аслзодалардан иборат 10 минглик қўшини бўлиб, улар камондан ўқ отишга моҳир бўлган. Улар Қутайбага умрининг охиригача садоқат билан хизмат қилиб, ҳатто ўзининг оиласи ундан юз ўтирганда ҳам уни тарк этмаганлар. Кейинчалик чоклар тизими араб халифалигида ҳам кенг тарқалиб, мамлук ғуломлар тизими деб атала бошланган. Аббосий халифалардан Маъмун биринчи бўлиб чокларни ўзининг қўриқчилик хизматида олган. Унинг укаси Муътасимнинг онаси турк бўлган, шу боис унинг қўшини Суғд, Уструшана, Фарғона ва Шовшдан олиб келинган чоклардан иборат бўлган. Сомонийлар давлати ҳарбий кучларининг асосий қисмини туркийлар ташкил этган.

Исмоил Сомоний биринчи бўлиб турк ғуломлари, деҳқонлар ва ёлланма аскарлардан ташкил топган мунтазам қўшин тузган [9:113]. Унинг ҳукмронлиги даврида Бухоро шахрини туркийлар ҳужумидан мудофаа қилиш мақсадида қурилган ва мунтазам равишда таъмирлаб туриладиган, жуда катта сарф-харажат талаб қиладиган “Кампирак девори”⁴ни аҳолини машаққатга қўйиб қайта-қайта таъмирлаш ишлари тугатилди. Амир Исмоил «то мен тирик эканман, Бухоро вилоятининг девори мен бўламан» деган ва жангларда доимо ўзи қатнашган [2:112]. Марказий бошқарувни мустаҳкамлаш ва кучли қўшин ташкил этиш Исмоилга қалъа бунёд этиш ва қўчманчиларга қарши деворларни мустаҳкамлашдан воз кечиш имконини берди [10:91].

Сомонийлар даврида ислом динининг ёйилиши йўлида кўнгилли равишда қўшин сафига қўшилиб жанг қилувчи ғозийлар ҳам бўлган. Хусусан, IX асрда Шош ва Фарғонанинг чегара ерларидаги рабобларда ғозийларнинг қўшинлари жойлашган бўлиб, улар турли мамлакатлардан кўнгилли равишда тўхтовсиз келиб турган мусулмонлардан таркиб топган. Самарқанд ҳам ғозийлар тўпланадиган марказ бўлиб, улар шаҳар атрофларидаги рабобларда жойлашган. Бу қўшинлардаги аскарларлар сони 40 мингга етган ва уларга уламолар раҳнамолик қилган. Сомоний ҳукмдорлар улар билан якин муносабатда бўлганлар

ва уларга ҳомийлик қилганлар. Ҳалок бўлган ғозийларнинг жазоси, кўпинча, амирнинг ўзи томонидан ўқилган [4:73].

Сомонийлар ҳукмронлиги даврида туркийларнинг обрўси Хуросон ва Мавроуннаҳрда жуда кўтарилиб кетди. IX асрда улар Сомонийлар марказий маъмурий бошқарув тизимидаги амалдорларнинг катта қисмини ташкил қилган. Вилоятларда ҳам шундай бўлган. Сомонийлар томонидан лавозимга тайинланган вилоят ҳокимларининг катта қисми улардан бўлган. Вилоят мудофааси ва қонунлар устуворлигини ҳам турклар назорат қилган. Сомонийлар қўшинининг бир қисмини кўчманчи турклар, бошқа бир қисмини эса озод турклар, яъни ўтроқ турмуш тарзини кечирувчи турклар ташкил этган [11:132].

Айтилганидек, Сомонийлардан биринчи бўлиб Исмоил ибн Аҳмад ўзига бўйсунувчи содиқ қўллар – мамлук-ғуломларидан ташкил топган мунтазам қўшин тузади. Унгача бўлган қўшинлар деҳқонлар ва руҳонийларга бўйсунган. Ҳарбий хизмат учун танлаб олинган мамлук-ғуломларининг мавқеи баланд бўлиб, оддий хизматкорлар ва оддий фуқаролардан фарқ қилган. Улар яхши кийинган, қуролланган ва олий ҳукмдор ҳузурига бемалол кира оладиган ишончли одамлар ҳисобланган. Катта лавозимларни эгаллаб, ҳукмдорларга хос ҳашаматли ҳаёт кечирган [9:127].

280/893 йилда Исмоил Сомоний Сирдарё ортидаги чўлларда яшовчи қарлукларга қарши ҳужум уюштириб, уларнинг пойтахти Таласни эгаллайди. Бу билан Марказий Осиё орқали ўтадиган қарвон йўллари устидан назорат ўрнатиш баробарида мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлайдилар [6:80].

Сомонийлар давлатида шаҳардаги тартибни сақлаш билан “шихнат ал-булдон” яъни “шаҳар миршаблари” лавозими ҳам бўлган. Улар ҳам мамлук ғуломлари каби ўта садоқат билан хизмат қилганлар. Бу ҳақда Ибн Ҳавқал қўйидаги маълумотларни келтиради: “Улар яхши олиб борилган сиёсатнинг тўғри бошқарувидан озиқланадилар, ҳокимият улар сафардалик пайтида оилалари ҳақида ғамхўрлик қилади. Агар у хайрли иш қилса, унинг бу яхшилиги йўқолиб кетмайди. Агар у жиноят содир этса, қилган гуноҳи ва жинояти учун жазосини олади. Агар бирор қариндош ёки яқин одамга қасос ёки хун қони олиш зарурати бўлса, бу иш Аллоҳнинг марҳаматига топширилади. Агар бегона одамга ҳукм ёки бирор нарсани ундириш керак бўлса, у билан Аллоҳ таолонинг кўрсатмаларидан қайтмаган ҳолда иш қўрилади” [9:26]. Кўриниб турибдики, Сомонийлар давлатидаги бошқарув ислом шариятига асосланган ижтимоий адолат, қўл остидагиларга ғамхўрлик руҳида амалга оширилган. Суд-ҳуқуқ тизими ҳам шу асосда ташкил этилган.

Сомонийлар бошқарув тизими Аббосийлардан ўзлаштирилган бўлиб, ўз навбатида, Аббосийлар бошқаруви Сомонийлар империясидан қолган анъаналар асосида шаклланган эди. Исмоил Сомоний биринчилардан бўлиб Мавроуннаҳрда марказлашган бошқарув тизимини жорий этишга муваффақ бўлди. Бу тизим асосини олий ҳукмдор давоғи (саройи) ва девонлар (вазирликлар) мажмуи ташкил этган [5:94].

Сўнгги тадқиқотларга кўра, Сомонийлар давлатининг ҳуқуқий асослари ислом шариятига асосланган бўлиб, араблар томонидан бўйсундирилган бошқа халқлар ҳам халифаликнинг давлат қурилишида иштирок этишган. Уларнинг исломдан аввалги урф-одатлари давлат бошқарувида кенг қўлланган. Араб халифалигининг ҳарбий ва давлат бошқарувида таянадиган асосий кучи хуросонликлар, уларнинг асосий қисми Марказий Осиё туркларидан бўлган. Исломнинг дастлабки асрларида “Қобуснома”, “Қалила ва Димна” каби асарларнинг араб тилига таржима қилиниши асосида давлат бошқаруви асосларини ўз ичига олган “Сиёсатнома” жанридаги дастлабки асарлар ёзилган.

Сомонийлардан биринчи бўлиб Наср ибн Аҳмад (864-875 йй. - Самарқанд амири, 875-892 йй. - Мавроуннаҳр амири)

⁴ Кампирак девори – ушбу девор тахминан 300 км бўлиб, тинч аҳолини қўчманчилар ҳужумидан ҳимоя қилиш мақсадида қурилган.

875 йилда халифа Муътаиддан (844-892 йй.) Мовароуннахр-ни бошқариш ҳуқуқини берувчи ёрлик олган. 892 йили Наср вафотидан кейин унинг укаси Исмоил ибн Аҳмад бутун Мовароуннахр ҳукмдори бўлди ва орадан бир йил ўтгач, 893 йил халифа Муътаиддан (халифалик йиллари 892-902 йй.) ёрлик олади. Сомонийлар халифага совға-саломлар юбориб туришган, лекин мамлакатдан йиғилган барча солиқларни ўзларида сақлаб қолишган[1:22].

Ш.Камолиддиннинг фикрича, “Сомонийларнинг бошқарув тизими ўша даврнинг барча аниқ ва мукамал тизимларини ўзида бирлаштирган. Бироқ давлатчилик ҳуқуқий атама бўлгани боис унинг сифати ҳам ҳуқуқий нормаларга асосланган бўлиши керак. Қонунчилик нуқтаи назаридан, бизнингча, Сомонийларнинг бошқарув тизими ва бошқаруви ҳам мустақил давлат сифатида қўрилиши мумкин эмас. Ўрта аср ислом жамиятида биринчи ўринда доим дин, сўнг давлат ва кейин маданият турган. Исромада давлатнинг асосини Муҳаммад (сав)га ваҳий воситасида нозил этилган Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар ва уламоларнинг фатволарига асосланган шариат қонунлари ташкил этади. Дин ва ҳукумат исломда ажралмас ҳисобланади. Халифаликка қарашли вилоятларни бошқарувчи маҳаллий сулолалардан чиққан барча амирлар, хусусан, Сомонийлар ҳам расман мустақил бўлсаларда, барибир, Бағдод халифаларининг олий ҳокимиятини тан олишган. Қонун бўйича ҳуқуқий нормалар шариат томонидан белгиланган. Шунинг учун Бувайҳийлар, Сомонийлар, Ғазнавийлар ва Қорахоний ҳукмдорлар ўзларини “мауло амирул мўминин” ёки “волий амир ал-мўминин” деб васф этишган” [11:139].

Сомонийлар даврида Мовароуннахрда исломдан олдинги айрим қонун-қоидалар ва тартибларга ҳам риоя қилинган. Сомонийлар ислом динига ва араб халифаларига содиқ бўлсаларда, баъзи ўринларда ота-боболарининг дини ва урф-одатларини ҳам ҳурмат қилганлар. Жумладан, Сомонийларнинг Бухородаги оилавий мақбарасининг деворларида, шунингдек, улар зарб эттирган айрим тангаларда буддавийлик ва монийликка оид рамзлар тасвирланган. Мансур I ибн Нух (ҳукмронлик йиллари 961-976) томонидан 968 йилда Бухорода зарб этилган кумуш дирҳам шаклидаги медальоннинг олд тарафида ўнг томонга қараб турган ҳукмдорнинг сурати, унинг икки тарафида паҳлавий ёзувлар туширилган[9:127].

IX асрда Сомонийлар давлат бошқарув тизимида етакчилик араблар ва форсларга тегишли бўлиб, туркларнинг ўрни унча сезилмаган бўлса, X аср бошларидан турклар давлатдаги барча муҳим вазифаларни эгаллашга муваффақ бўлишган. Бунинг учун турклар араб тилини чуқур ўрганган. IX асрнинг биринчи ярмида, кенг омма орасида ислом дини чуқур илдиз отиб бўлган эди. Жумладан, бошқарувга оид ишлар ҳам асосан араб тилида амалга оширилган. Лекин IX асрнинг ўрталаридан бошлаб, сомонийлар давлатининг изчил сиёсати туфайли форс тили давлат тилига айланди. Араб тили эса, фан тили сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолди.

Сомонийлар бошқарув тизимида асосан маҳаллий деҳқонлар, мулкдорлар ва дин арбоблари хизмат қилар эдилар. Бунинг учун улар араб ва форс тилларини билиши, шунингдек, диний ва дунёвий билимларга эга бўлиши керак эди. Бундай илмларга эга бўлган одамлар “аҳл ал-қалам” (яъни, қалам аҳли) деб аталган[10:6].

Сомонийлар давлатидаги марказий бошқарув асосан ўнта девондан⁵ иборат бўлган. Наршахий бу девонларнинг номини ўзининг “Бухоро тарихи” асарида келтириб ўтади. Наср II ҳукмронлиги даврида (914 – 943) Регистон майдонида улар учун алоҳида бино ва маҳкама қурилади. Вилоятларда ҳам асосан ўнта девон бўлиб, улар маҳаллий ҳокимга ёки вазирга бўйсунган. Шаҳар бошқаруви раиснинг қўлида бўлган ва

⁵ Девон – араб., “шеърлар тўплами”, шунингдек, “ҳисоб-китоб дафтери” “давлат идораси”, “муассаса”, яъни иш юритиш ва ёзишмалар билан шуғулланувчи ташкилот.

у ҳукмдор томонидан лавозимга тайинланган. Уламоларнинг таъсири мамлакат ҳаётида кучли бўлган. Уларнинг етакчиси – устод, кейинчалик – шайхул-ислом деб аталган.

Хуросон саркардаси “сипоҳсолар” бўлган ва давлат бошқарув ишларига ўзининг катта таъсирини ўтказиб турган. Даргоҳ ҳамда бошқа қатор муҳим давлат идораларининг хавфсизлигини амалга ошириш хизматини бош ҳожиб ва унинг ходимлари олиб борган.

“Бухоро тарихи”да келтирилишича, Бухоро Ҳисорининг ғарбий дарвозасидан то Маъбад дарвозасигача бўлган масофаси Регистон деб аталган. Исмоил Сомоний Регистонда бир сарой қуришни буюрган. Шу сарой дарвозаси олдида амалдорлари учун бино бунёд эттирган. Ҳар бир амалдорнинг подшоҳ саройи дарвозаси олдида қурилган ўз маконида алоҳида девони бўлган[2:106]. Вазир девонига қўшимча равишда яна ўнта девон мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида бинода жойлашган ва маълум бир вазифани бажарган.

Сомонийлар давлати ижроия ҳокимиятининг асосий вазифаларига қуйидагилар кирган:

Вазир девони ёки хўжаи бузrug – ижро ҳокимиятининг барча тармоқларини бошқарган ва қолган девонлар унга бўйсунган. Айни пайтда у ҳарбий вазир вазифасини ҳам бажарган ва барча қўшинлар бош қўмондони ҳисобланган. Бош вазирлик лавозимига жайҳонийлар⁶, балъамийлар⁷, утбийлар⁸ сулолалари орасидан чиққан шахсларгина тайинланган.

Девони муставфий – молия вазирлиги вазифасини бажарган. Молия вазири давлатнинг қирим-чикимлари ҳисобини олиб борган. Муставфийнинг қўли остида хазинадор хизмат қилган. Давлатнинг молия ишларини тизимга солиб турган.

Девони амид (Девони расоил ёки девони иншо) – махсус марказий вазирлик бўлиб, расмий ҳужжатлар билан шуғулланган. У орқали давлатнинг барча муҳим ҳужжатлари ўтган. Бундан ташқари, ушбу девон бошқа мамлакатлар билан дипломатик муносабатларни олиб борган. Нафақат Сомонийларда, балки Ғазнавийларда ҳам “девон ар-расоил” давлатнинг сиёсий ҳаётида муҳим рол ўйнаган.

Девони соҳиби шурат – Сомонийлар гвардиясини бошқарган. Ушбу девон қўшиннинг тайёргарлиги, тартиб-интизоми, озик-овқати, ҳўжалик таъминоти ва маош масалалари билан шуғулланган. Давлат хизматчиларига маош бир йилда тўрт марта – ҳар уч ойда тўла боришган.

Девони барид (почта хизмати) – Сомонийлар даврида давлат эҳтиёжлари учун хизмат қилувчи вазирлик бўлган. Почта хизмати бошлиги – соҳиби барид ихтиёрида алоҳида шаҳарларда почта амалдорлари, ўзларининг хизматчилари отлари билан хизматда бўлишган. Почта амалдорлари алоҳида вилоятлардаги маҳаллий ҳокимларга эмас, фақат марказий бошқарув органига бўйсунган.

Девони мухтасиб – мухтасибнинг асосий вазифаси бозорлардаги тош-тарозу ва оғирлик ўлчовларини назорат қилиш бўлган. Бундан ташқари, мухтасиб ва унинг ёрдамчилари шаҳарларда уста-хунаромандлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар миқдорининг аниқ бўлишини ҳам назорат қилишган. Мухтасиб яхши сифатга эга бўлмаган маҳсулотларни бозорга чиқишидан тўсиш, гўшт, нон ва шу каби истеъмолда муҳим ўрин тутган маҳсулотлар нархининг ошиб кетишини тақиқлаш ҳуқуқига ҳам эга бўлган.

Девони мушриф – давлат харажатлари устидан умумий назоратни ўрнатган амалдор мушриф деб аталган. Шунинг

⁶ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Жайҳоний (X аср) – олим, Сомонийлар амираи Наср ибн Аҳмаднинг (914-943) вазири.

⁷ Абу Али Муҳаммад ибн Муҳаммад Балъамий (ваф.974) – тарихчи олим, давлатарбоби. Сомонийлардан Абдулмалик ибн Нух (954-961) ва Мансур ибн Нух (961-976) замонида бошвазир бўлган. У 963 й. Табарий (839-923)нинг «Таърихул-анбиё вар-расул вал-мулк вал-хулафо» («Пайгамбарлар, подшоҳлар ва халифалар тарихи») номли йирик асарини форс тилида қайтадан ёзган.

⁸ Абу Жаъфар Утбий – Сомонийлар ҳукмдори Нух II ибн Мансурнинг (976-997) вазири.

алоҳида таъкидлаш жоизки, феодал жамият шароитида давлат хазинасини ҳукмдор хазинасидан ажратиш, умуман олганда, сарой амалдорларига давлат хазинасидан маблағ ажратишини назорат қилиш мушриф ихтиёрида бўлган. Бундай масъулиятли вазифага кўпчилиكنинг эътиборини қозонган, ҳаммага бирдек адолатда турадиган кишилар тайинланган.

Девони қози – бош қози томонидан бошқариладиган девон асосан ҳуқуқий масалалар билан шуғулланган.

Девони зиё – мадрасадаги ўқиш жараёнларини назорат қилувчи девонлик бўлган.

Девони мулк – давлат ерлари, мулклари ва хазинага келувчи фойданинг устидан назорат қилувчи ва уни бошқарувчи вазирлик бўлган. Бундай ерлар жуда катта ҳудудларни ўз ичига олган бўлиб, уларда деҳқонлар жамоа бўлиб яшашган.

Девони вақф – мусулмон муассасаларига ҳадя қилинадиган мулкларнинг қирим-чиқимларини назорат қилувчи вазирлик. Вақф ерлари – мусулмон муассасаларига вақтинчалик ёки умрбод фойдаланиш учун бериладиган ерлар.

Девони ариз (девори ҳарб) – ариз Сомонийлар қўшинига бериладиган маошнинг назорат қилувчи вазирлик бўлган. Бундай маош бир йилда тўрт марта, ҳар уч ойда бир берилган. Бундан ташқари, бу вазирлик ҳарбий интизом, қўшин таъминоти ва қурол-яроғларнинг соғлиғига ҳам жавобгар бўлган.

Зикр этилган девонларнинг ҳудудларда ҳам вакилликларини бўлиб, улар марказдаги девонлардан ташқари, маҳаллий ҳокимларга ҳам бўйсунган ҳолда маҳаллий идоралар билан ҳамкорликда фаолият олиб борган. Бундан хат-хабарлар хизмати девони мустасно бўлиб, уларнинг маҳаллий бўлимлари ҳам фақат марказга ҳисобот берган. Улар маҳаллий ҳокимлар, мансабдорлар устидан ҳам пинҳона назорат олиб борганлар.

Сомонийлар давлатида давлат хизматчиларига бериладиган маош аҳолидан йиғиб олиннадиган хирож солиғидан тўланган. Ибн Ҳавқал маълумотида кўра, “Сомонийлар давлатида аҳолидан олиннадиган солиқлар ва хирожлар миқдори кам, газналарида пул кўп бўлмаган. Хуросон ва Мовароуннахрнинг Абу Солиҳ Нух ибн Мансурга берадиган солиғи бир йилда икки марта, ҳар олти ойда йиғирма минг дирҳамдан йиғилар эди. Агар шароит хирожнинг икки ҳисса олиншини тақозо этса, у қирқ минг дирҳамни ташкил этган. Давлат хизматчиларига маош бир йилда тўрт марта мунтазам ва кечиктирмай берилишига гувоҳ бўлдим. Ҳар сафар нафақа ҳар тўқсон куннинг бошида, энг аввал ғулмларга, сарой ходимларига ва ҳарбий қўмондонларга, сўнг бошқа хизматчиларга берилади. Ҳар сафар тарқатиладиган нафақанинг йиғиндиси беш минг дирҳамни ташкил этади, тўрт марта тарқатиладиган нафақалар йиғиндиси, бир марта йиғиладиган хирожга тенг бўлади. Одамлар солиқни очик кўнгил ва хурсандчилик билан, ўзларига нисбатан адолатли муносабатдан тўла мамнун ҳолда тўлайдилар. Бунга раиятга нисбатан адолат, оддий халққа нисбатан ҳаққонийлик ва ҳокимлар қўлидаги катта масъулият сабабдир. Вилоятларда қозилар, текширувчилар, назоратчилар ва бошқарувчилар кўп бўлиб, уларнинг маошлари бир-бирига тенг, мажбуриятлари ҳам деярли бир хилдир” [9:22-23].

Айтиш жоизки, маошларнинг тўланиши муддатларига оғишмай риоя қилинган, акс ҳолда катта норозиликлар келиб чиққан ва улар хунрезликкача етиб борган. Масалан, Нух ибн Насрнинг вазири Абу-л-Фазл 946 йили маоши вақтидан кечиктирилган аскарлар томонидан қатл қилинган [2:166].

Маоши тайинланган ҳарбийлардан иборат мунтазам қўшиндан ташқари маҳаллий ер эгаларидан ташкил топган ғозийлар қўшини ҳам бўлган. Ҳукумат томонидан уларга икто мулки сифатида ер ажратилган бўлиб, ундан келган даромад уларнинг барча харажатлари, шу жумладан оилаларини боқиш, қурол-яроғлари ва от-уловларига кетадиган харажатларни қоплаш учун ишлатилган. Шунингдек, бу даромад ҳисобидан улар савдо билан ҳам шуғулланганлар, камбағалларга хайр-эхсонлар қилганлар. Бунинг эвазига ҳукумат

чақириғига биноан ўзларининг ҳарбий асбоб-ускуналари ва қурол-яроғлари билан рабобларга тўпланиб, душманларга қарши жанг олиб борганлар [4:73].

Сомонийлар араб халифалиги солиқ тизимини ҳам ўзлаштирганлар. “Тезит” (жон солиғи) ва “ҳараг” (ер солиғи) каби атамалар араб тилидаги жия ва хирож билан синоним ҳисобланган. Ерга эгалик қилишда асосан икто тизимидан фойдаланилган [11:128].

Давлат ерларидан олиннадиган асосий солиқ хирож бўлиб, солиқнинг ушбу тури Марказий Осиёда XIX аср охиригача амалда бўлиб келган. Бу солиқ араб халифалигидан ўзлаштирилган бўлиб, араблар фатҳ этилган мамлакатлар аҳолисидан олиннадиган ҳар қандай солиқларни шундай номлаганлар. Олиннадиган хирожнинг миқдори ҳосилнинг 1/3 қисмини ташкил этган, баъзан эса 2/5 қисмигача қисқартирилган. Хирож мол билан ҳам, пул билан ҳам олинган. Мол билан олиннадиган хирож ҳосил терими вақтида, пул билан олиннадиган хирож эса ҳар уч ойда, баъзан эса ҳар ойда олинган [9:122].

Илк ислом даврида араблар Марказий Осиёдаги катта-кичик шаҳар ва вилоятларнинг маҳаллий ҳукмдорларини ҳам “деҳқон” деб атаганлар. Уларнинг баъзилари анча қудратли бўлиб, ҳатто подшоҳни ҳам меҳмонга чақиришлари мумкин бўлган. Сомонийлар даврида деҳқонларнинг макъеи ва мақоми биров пасайган бўлса ҳам, улар ҳамон Марказий Осиёнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўринда бўлиб қолаверган [4:148].

Сомонийлар марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида Марказий Осиёдаги деҳқонлар, яъни катта ер эгаларига қарши қаттиқ сиёсат олиб бориб, ҳатто уларнинг қўшқ ва қалбаларини буздириб ташлашган. Натижада сомонийларга қарши вилоятлар аҳолиси томонидан тез-тез кўзғолонлар бўлиб турган. Сомонийлар ҳукмронлиги даврида деҳқон институтини ҳалокатга учраган бўлса-да, лекин, барибир, деҳқонларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги роли ҳали анчагина сезиларли эди.

Сомонийлар сулоласи араб бўлмаган биринчи мусулмон сулоласи бўлиб, юз йилдан ошиқ ҳукмронлик қилган ва ҳокимият отадан болага мерос қолдирилган. Сомонийлар ислом динининг ёйилишида ҳам фаол иштирок этганлар. Мазкур сулола ҳукмронлиги даврида (IX-X асрлар) ислом дини Сирдарё соҳилларига ва унинг шимолидаги вилоятлар – Еттисув ва Шарқий Туркистонгача тарқалади. IX асрнинг биринчи ярмида Тошкент воҳаси аҳолиси ҳам ислом динини қабул қилади [13:272].

Хулоса:

– Сомонийлар Мовароуннаҳдаги илк маҳаллий мусулмон сулола бўлиб, ташқи сиёсатда халифага бўйсунган ҳолда ички бошқарувда тўлиқ мустақил бўлганлар. Сомоний ҳукмдорларнинг ўз номларидан танга зарб қилдиргани ҳамда жума хутбасида халифанинг номидан кейин ўзларини зикр эттиргани бунинг исботларидир.

– Сомонийлар ва улардан кейинги мустақил турк-мусулмон сулоалари узоқ давр тарқоқ ҳолда ривожланган Марказий Осиё минтақасини марказлашган яхлит давлатга айлантирдилар. Мовароуннаҳрда марказлашган бошқарувнинг қарор топиши натижасида ички низолар қирқилиб, савдо-сотиқ, хунарамандчилик, деҳқончилик, боғдорчилик ривожланди, турмуш фаровонлиги ошди.

– Энг йирик икки туркий қабила – қарлуклар ва ўғузлар сомонийлар сазъ-ҳаракатлари эвазига исломни қабул қилдилар; Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар, Хоразмшоҳлар, Усмонийлар, Тулунийлар каби ислом таълимотидан озиқланган кучли бошқарувга эга марказлашган мусулмон давлатларига асос солдилар, шунингдек, кейинги даврлар давлат бошқаруви учун андоза сифатида хизмат қилдилар.

– Сомонийлар томонидан биринчи бўлиб ташкил этилган

турк ва суғд чокарларидан иборат мунтазам кўшин тури кейинчалик араб халифалигида ҳам кенг тарқалиб, тарихга *мам-лук гуломлари тизими* деган ном билан кирди. Унинг ҳаётий кучини таъминлаган омиллардан бири ислом таълимотига

асосланган марказлашга бошқарув бўлди.

Якуний сўз ўрнида таъкидлаш жоизки, Сомонийлар Марказий Осиёда ислом дини кўрсатмалари асосидаги бошқарув тизимининг қарор топишида ўзига хос ўрин тутган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Yuriy Bregel. An historical atlas of Central Asia. – Boston: Brill, Leiden, 2003. – 109 p.
2. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жафар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: Камалак, 1991. – 335 б.
3. Абу Саид Гардизи. Зайн ал-Ахбар / Пер. А. Арэндса. – Тошкент: Фан, 1991. – 176 б.
4. Абул Аббос Аҳмад ибн Яҳё ал-Балозурий. Футух ал-булдон. Хуросоннинг фатҳ этилиши / Сўз боши, араб тилидан таржима, шарҳлар, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. – Тошкент: ТошДШИ, 2017. – 439 б.
5. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) // Масъул муҳаррир: Б.Аҳмедов/. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 368 б.
6. Босворт К.Э. Мусулмон сулолалари. – Тошкент: Фан, 2007. – 269 б.
7. Дадабоев Х. Тарихий ҳарбий терминлар луғати. – Тошкент: Университет, 2008. – 202 б.

8. Ибн ал-Асир. Ал-камил фит-тарих. Перевод с арабского языка, примечания и комментарии Ц.П.Булгаков. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш.С.Камолиддина. – Ташкент: Ўзбекистан, 2006. – 560 с.
9. Ибн Ҳавқал. Мовароуннахр / Ибн Ҳавқал; араб тилидан тарж., изоҳлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, – 2011. – 398 б.
10. Ўзбекистон халқлари тарихи. I жилд. Муаллифлар жамоаси / Масъул муҳаррир. А.Асқаров. – Тошкент: Фан, 1992. – 188 б.
11. Ш.Камолиддин. Саманиды: Из Истории государственности Узбекистана в IX – X вв. – Ташкент: 2019. – 191 с.
12. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. 2-жуз – Тошкент: Hilol-Nashr, 2018. – 544 б.
13. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 462 б.

O'ZBEKISTONDA DINIY BAG'RIKENGLIK BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN ISHLAR VA ULARNING NATIJALARI (2016-2023 yy)

JONIBEK JUMAYEV
Imom Buxoriy xalqaro
ilmiy-tadqiqot markazi
ilmiy xodimi, PhD

Annotatsiya: Mazkur maqolada O'zbekiston taraqqiyotining yangi bosqichida diniy bag'rikenglik bo'yicha amalga oshirilgan tadbirlar va ularning natijalari tahlil qilingan. **Tayanch so'zlar:** diniy bag'rikenglik, millat va elat vakillari, qonuniy asoslar, Din ishlari bo'yicha Qo'mita, diniy tashkilotlar.

Annotatsiya: This article analyzes the measures taken on religious tolerance and their results at the new stage of Uzbekistan's development. **Keywords:** religious tolerance, representatives of the nation and people, legal bases, Committee on Religious Affairs, religious organizations.

Аннотация: В данной статье анализируются меры, принимаемые по религиозной толерантности на новом этапе развития Узбекистана и их результаты. **Ключевые слова:** религиозная толерантность, представители нации и народа, правовые основы, Комитет по делам религий, религиозные организации.

Ma'lumki, 2016-yildan e'tiboran O'zbekiston o'z taraqqiyotining yangi bosqichiga qadam qo'ydi. Mazkur davrda barcha sohalar qatori diniy bag'rikenglikni ta'minlash, uning qonuniy asoslarini mustahkamlash bo'yicha ham keng ko'lamli islohotlar amalga oshirildi. Jumladan, bu borada normativ-huquqiy hujjatlar takomillashtirildi, diniy ma'rifat bo'yicha keng ko'lamli ishlar amalga oshirildi. Natijada, salmoqli yutuqlar qo'lga kiritildi. Shu bilan birga, amalga oshirilishi lozim bo'lgan ayrim jihatlar mavjud bo'lib, shu sababdan diniy bag'rikenglikni ta'minlashga qaratilgan tadbirlarning natijalarini tahlil etish dolzarb ilmiy masalalardan biri hisoblanadi.

2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi qabul qilindi. Ushbu hujjatda millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlash, yon-atrofimizda xavfsizlik, barqarorlik va ahil qo'shnilik muhitini rivojlantirish, yurtimizning xalqaro nufuzini mustahkamlash masalalariga alohida o'rin berildi [1:25-28].

Buboradagi tadbirlarni xalqaro miqyosda haletish bo'yicha ham hukumat tomonidan qator ishlar amalga oshirildi. Xususan, 2017-yil sentyabr oyida BMT Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev tomonidan

ilgari surilgan tashabbus asosida mazkur tashkilotning oliy organi 2018-yilning 12-dekabr oyida o'tkazgan yalpi majlisda “Ma'rifat va diniy bag'rikenglik” deb nomlangan maxsus rezolyutsiya qabul qilindi. O'zbekiston tomonidan ishlab chiqilgan hujjat loyihasi BMTga a'zo barcha davlatlar tomonidan bir ovozdan qo'llab-quvvatlandi [3:1].

Bu paytga kelib diniy - ma'rifiy soha faoliyatini yangi bosqichga ko'tarish davr taqozosiga aylandi. Shu sababdan, mazkur soha faoliyatini yanada takomillashtirish bo'yicha bir qancha tadbirlar amalga oshirildi. Jumladan, 2018-yil 16-aprelda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Diniy-ma'rifiy soha faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi Farmoni e'lon qilindi. Mazkur Farmon O'zbekistonda diniy ta'lim tizimining uzluksizligini ta'minlashga qaratilgan bo'lib, boshlang'ich bosqichdan oliy va undan keyingi diniy ta'limgacha jarayonlarni qamrab oldi [2:1,4].

Bundan tashqari, Din ishlari bo'yicha qo'mita faoliyatini takomillashtirish bo'yicha tegishli ishlar amalga oshirildi. Jumladan, 2018-yil 16-aprelda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Din ishlari bo'yicha qo'mita faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi Qarori qabul



Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazida joriy yil 4-iyun kuni Turkiyaning “Diyanet” jamg’armasi huzuridagi Islom tadqiqotlari markazi (ISAM) bilan hamkorlikda tashkil qilingan **Hanafiy mazhab bo'yicha IV yillik xalqaro konferensiya** bo'lib o'tdi.


Batafsil BUKHARI.UZ saytida

2024-YIL UCHUN JURNALIMIZGA OBUNA BO'LING!

**O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi
huzuridagi Imom Buxoriy xalqaro
ilmiy-tadqiqot markazi rekvizitlari:**
O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G'aznachiligi
H/r: 23402000300100001010
INN (STIR): 201122919 **MFO:** 00014
Markaziy bankning Toshkent shahar XXXKM
SHHV: 400110860182247015100253001
INN (STIR): 207265166
Murojaat uchun telefon: (0366) 240 2019



**Obuna
indeksi –
№ 946, 947
Bir yillik
obuna narxi –
300 000
so'm**



MANZILIMIZ:
141306, Samarqand viloyati,
Payariq tumani, Xo'ja Ismoil shaharchasi.

E-mail: buxoriysaboqlari@bukhari.uz
Web-sahifa: www.bukhari.uz
Telefonlar:
(0366) 240-2019, (0366) 240-2011,
(+99899) 735-02-85

Bosishga 20.06.2024 yilda ruxsat berildi.
Qog'oz bichimi – 60x84 1/8.
Ofset bosma usulida bosildi.
Bosma tabog'i – 10. Adadi – 150.
Buyurtma № 22/04.
Nashr indeksleri – № 946, № 947.
ISSN 2181-4791

Jurnal 2019-yil 8-aprelda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti
Administratsiyasi huzuridagi
Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan
№ 0057 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Bir yilda to'rt marta chop etiladi.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Tahrir hay'atining fikri muallif fikridan farq qilishi mumkin.

Jurnal andazasi tahririyatning kompyuter bo'limida
tayyorlandi.

Jurnal «SHABNAM SUPER PRINT» MCHJ
bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Samarqand shahri, Ziyokorlar ko'chasi, 1-uy.
Tel.: (+99890) 104-13-33.



**“Dunyoda ilmdan boshqa najot yo‘q
va hech qachon bo‘lmagay”**

Imom Buxoriy